

МАГНИТ-РЕЗОНАНС ТОМОГРАФИЯ ТЕКШИРУВИДА АНИҚЛАНГАН ГИПОФИЗ БЕЗИ АДЕНОМАЛАРИНИНГ ПАТОМОРФОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ



Жуманов Зиядулла Эшмаматович, Хамидов Обид Абдурахманович, Гайбуллаев Шерзод Обид ўгли Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

ПАТОМОРФОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ АДЕНОМ ГИПОФИЗА, ОПРЕДЕЛЯЕМЫЕ ПРИ МАГНИТНО-РЕЗОНАНСНОЙ ТОМОГРАФИИ

Жуманов Зиядулла Эшмаматович, Хамидов Обид Абдурахманович, Гайбуллаев Шерзод Обид угли Самарқандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарқанд

PATHOMORPHOLOGICAL ASPECTS OF PITUITARY GLAND ADENOMAS DETERMINED IN MAGNETIC RESONANCE TOMOGRAPHY EXAMINATION

Jumanov Ziyadulla Eshmatovich, Khamidov Obid Abdurakhmanovich, Gaybullaev Sherzod Obid ugli Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: omadlikun@mail.ru

Резюме. Магнит-резонанс томография текширувида аниқланган гипофиз беши аденomalарини патоморфологиясини аниқлаш мақсадида 14 нафар бемордан нейрохирургия амалиётида олинган гипофиз беши аденomasининг бўлакчалари морфологик текширувдан ўтказилган. Аниқланганки, гипофиз бешининг эозинофил аденomasида кам даражадаги полиморфизм кузатилади. Бу ҳужайралар ҳажмининг турлича катталашуви, ядроларининг ҳар хил ўлчамдалиги ва бетартиб жойлашиши билан намоён бўлади. Хромофоб аденoma ҳужайралари майда ўлчамли, цитоплазмаси хира тортганлиги, ҳужайраларининг баъзида эпидурал соҳага ўсиши, баъзида ўзи жойлашган суяк тўқимасини емириши ва мия тўқимасига ўсиб кириши таъкидланган.

Калит сўзлар: гипофиз, эозинофил аденoma, хромофоб аденoma, патоморфология.

Abstract. In order to determine the pathomorphology of pituitary gland adenomas detected by magnetic resonance imaging, the pieces of pituitary gland adenoma taken from 14 patients during neurosurgery were subjected to morphological examination. It was found that a low level of polymorphism is observed in eosinophilic adenoma of the pituitary gland. This is manifested by the different size of the cells, the different sizes of their nuclei and their irregular arrangement. It is noted that the cells of chromophobe adenoma are small in size, the cytoplasm is dim, their cells sometimes grow into the epidural area, sometimes they erode the bone tissue where they are located and grow into the brain tissue.

Key words: pituitary gland, eosinophilic adenoma, chromophobe adenoma, pathomorphology.

Гипофиз аденomalари энг кенг тарқалган бирламчи интракраниал ўсмалардан биридир. Одатда яхши сифатли бўлиб, улар барча интракраниал неоплазмаларнинг 10-15% ни ташкил қилади [1,5]. Гипофиз аденomalар жуда хилма-хил бўлиб, барча мия ўсмалари орасида гипофиз аденomasи катталардаги барча мия шишларининг 18% ни ташкил қилади ва эркаклар ва аёлларда бир хилда учрайди. Барча гипофиз аденomalарининг 50% ҳолатларда учраши 30-50 ёшдаги одамларга тўғри келади [3]. Магнит-резонанс томография гипофиз ўсмаларини рентгенологик диагностика қилишнинг етакчи усули бўлиб қолмоқда. Бироқ, нейрохирургия

амалиётида олиб ташланган гипофиз бешининг аденomalари патоморфологик жиҳатдан асосланиши муҳим ўрин тутуди [4].

Тадқиқотнинг мақсади: Магнит-резонанс томография текширувида аниқланган гипофиз беши аденomalарини патоморфологиясини аниқлаш.

Материал ва тадқиқот усуллари. Самарқанд давлат тиббиёт университетининг кўп тармоқли клиникасининг нейрохирургия бўлимида магнит-резонанс томография текширувида аниқланган 14 нафар (шулардан 10 нафари эркак, 4 нафари аёл) бемордан жаррохлик йўли бош мия гипофиз беши аденomasидан олиб

ташланган қисмидан 1x1x0,5 см даги тўқима бўлакчалари олинди. Бўлакчалардан тайёрланган гистологик қирқмалар гематоксилин ва эозин.

Натижалар ва муҳокамалар: Олиб борган тадқиқотимизда 8 ҳолатда патоморфологик жиҳатдан жарроҳлик йўли билан олиб ташланган гипофиз аденомасининг эозинофил тури аниқланган бўлса, қолган 6 ҳолатда хромофоб тури аниқланди. Ушбу аденомалар микроскопик жиҳатдан қуйидагича тузилишга эга: Гипофиз безининг хромофоб аденомасида тадқиқотимиз учун тайёрланган препаратларда хужайра танасининг овалсимон бўлиши, бошқа препаратларда эса кўп бурчаклилиги, ядросининг овалсимон ва юмолоқ шаклдалиги аниқланади. Айрим хужайралар некроз ҳолати кузатилади. Цитоплазмаси оч пушти рангга бўялганлиги қайд этилади. Ўсма хужайраларининг оралиқларида майда қон томирларнинг қолдиқлари кўзга ташланади ва диапедез қон қуйилишлар аниқланади (1-расм).


Айрим ҳолларда ўсмада бириктирувчи тўқимали трабекулаларни кузатишимиз мумкин (2-расм).

Эозинофил аденомада тадқиқотимиз жараёнида тайёрланган микропрепаратларда ўсманинг майда қон томирларга бойлиги, ўсма хужайраларининг аниқ чегара эга бўлган, юмолоқ ёки овал ёки кўп бурчакли шаклдалиги аниқланади. Уларнинг ядроси ҳам юмолоқ ва овал шаклда эканлиги қайд этилади (3-расм).


Уларнинг цитоплазмасида майда ўлчамдаги α-доначалари топилади. Баъзи микропрепаратларда хужайраларнинг полиморфизми ва алоҳида катта ҳажмдаги хужайралар кўринади.

Хромофоб аденомада ҳам яқка ҳолдаги митоз бўлинаётган хужайралар аниқланади. Хужайралар оралиқларида фиброз тўқиманинг эсанлиги қайд этилди [2]. Бизнинг кузатувларимизда ўсма хужайраларининг оралиқларида майда қон томирларнинг қолдиқлари ва айрим ҳолларда ўсмада бириктирувчи тўқимали трабекулалар шаклланганлигини аниқланди.


Хулоса. Шундай қилиб, гипофизнинг эозинофил аденомасида кам даражадаги полиморфизм кузатилади. Бу хужайралар ҳажмининг турлича катталашуви, ядроларининг ҳар хил ўлчамдалиги ва бетартиб жойлашиши билан намоён бўлади. Хромофоб аденома хужайралари майда ўлчамли, цитоплазмаси хира тортганлиги қайд этилади. Ўсма хужайраларининг баъзида эпидурал соҳага ўсиши кўзатилса, баъзида ўзи жойлашган суяк тўқимасини емириши кузатилади. Жумладан, хромофоб аденоманинг четки соҳаларида нейронларнинг аниқланиши мия тўқимасига саёз ўсиб кириши мумкинлигини кўрсатади.



Расм 1. Гипофиз безининг хромофоб аденомаси. Диапедез қон қуйилишлар. Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10



Расм 2. Гипофиз безининг хромофоб аденомаси. Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10



Расм 3. Гипофиз безининг эозинофил аденомаси. Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10

Адабиётлар:

1. Бейлерли О. А., Shiguang Zhao, Гареев И. Ф., and Xin Chen. "Диагностика и терапия аденом гипофиза" Креативная хирургия и онкология, №. 4, 2019, С. 311-316.
2. Калинин П.Л., Трунин Ю.Ю., Фомичев Д.В., Чернов И.В., Рыжова М.В. "Агрессивные аденомы гипофиза (обзор литературы и клиническое наблюдение)" Опухоли головы и шеи, № 4, 2017, С. 74-80.
3. Кубаев А. С. Оптимизация диагностики и лечения верхней микрогнатии с учетом морфофункциональных изменений средней зоны лица // Научные исследования. – 2020. – №. 3 (34). – С. 33-36.
4. Лобанов И. А., Лавренюк А. Н., Никитин Д. Н. "Магнитно-резонансная диагностика аденом гипофиза" Медицинский альманах, № 1, 2011, С. 104-107.
5. Ризаев Ж. А., Кубаев А. С., Абдукадиров А. А. Состояние риномаксиллярного комплекса и его анатомо-функциональных изменений у взрослых больных с верхней микрогнатией // Журнал теоретической и клинической медицины. – 2020. – №. 3. – С. 162-165.
6. Ризаев Ж. А., Ризаев Э. А., Кубаев А. С. Роль иммунной системы ротовой полости при инфицировании пациентов коронавирусом SARS-COV-2 // Здоровье, демография, экология финно-угорских народов. – 2020. – №. 3. – С. 67-69.
7. Ризаев Ж. А., Асадуллаев Н. С., Абдувакилов Ж. У. Динамика возрастных показателей физико-химического состава ротовой жидкости у лиц пожилого и старческого возраста // Вісник проблем біології і медицини. – 2018. – Т. 1. – №. 3 (145). – С. 382-385.
8. Ризаев Ж. А., Туксонбоев Н. Х. У. Деформация носа с расщелиной и ринопластика // Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 92-104.
9. Ризаев Ж. А., Хазратов А. И., Иорданишвили А. К. Морфофункциональная характеристика слизистой оболочки жевательного аппарата при экспериментальном канцерогенезе // Российский стоматологический журнал. – 2021. – Т. 25. – №. 3. –

С. 225-231.

10. Ризаев Ж. А. и др. Оценка точности установки дентальных имплантатов // Журнал стоматологии и краниофациальных исследований. – 2023. – Т. 4. – №. 2.
11. Ризаев, Ж. А., Ахророва, М. Ш., Кубаев, А. С., & Хазратов, А. И. (2022). Changes in the mucous membranes of the oral cavity in patients depending on the clinical course of covid-19. Журнал Стоматологии и краниофациальных исследований, 3(1).
12. Яковлев С.А. Роль динамической контрастной МРТ в комплексной лучевой диагностике и дифференциальной диагностике объемных образований головного мозга, расположенных по средней линии. Автореферат на соискание ученой степени кандидата медицинских наук. ФГУ «Российский научный центр радиологии и хирургических технологий». С.-Петербург. 2009. 111 с.
13. Lloyd R.V., Osamura R.Y., Klöppel G., Rosai J. (eds.) WHO classification of tumours of endocrine organs. Lyon: IARC; 2017. 355 p.

ПАТОМОРФОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ АДЕНОМ ГИПОФИЗА, ОПРЕДЕЛЯЕМЫЕ ПРИ МАГНИТНО-РЕЗОНАНСНОЙ ТОМОГРАФИИ

Жуманов З.Э., Хамидов О.А., Гайбуллаев Ш.О.

Резюме. Для определения патоморфологии аденом гипофиза, выявленных с помощью магнитно-резонансной томографии, морфологическому исследованию были подвергнуты кусочки аденомы гипофиза, взятые у 14 пациентов во время нейрохирургических операций. Установлено, что при эозинофильной аденоме гипофиза наблюдается низкий уровень полиморфизма. Это проявляется в разном размере клеток, разном размере их ядер и неправильном их расположении. Отмечено, что клетки хромофобной аденомы мелкие по размеру, цитоплазма тусклая, их клетки иногда прорастают в эпидуральную область, иногда эрозируют костную ткань, где расположены, и прорастают в ткань головного мозга.

Ключевые слова: гипофиз, эозинофильная аденома, хромофобная аденома, патоморфология.